**Юридик ва юридик мақомга эга бўлмаган тадбиркор истеъмолчилар учун**

# ШАРТНОМА

2022 йил "17" январ 470153-сон __________Поп ш_______
(шартнома тузилган манзил)

"_Наманган худудий электр тармоклари корхонаси " акциядорлик жамияти Поп туман электр таъминоти корхонасида **"_низом_"** асосида фаолият юритувчи раҳбари ______________А.Дедамирзаев______________________ (кейинги ўринларда
( электр таъминоти корхонаси рахбарининг Ф.И.О.)

**"Корхона"** деб аталади) бир томондан ҳамда __низом____________ асосида фаолият юритувчи Поп туман маданият бўлими раҳбари ______С.Азимов____ (кейинги ўринларда **"Истеъмолчи"** деб аталади),ҳисоб рақами - **470153** иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

## I. Шартнома предмети

Ушбу электр таъминоти шартномасига (кейинги ўринларда - **Шартнома** деб аталади) мувофиқ, Корхона Истеъмолчига электр энергиясини (кейинги ўринларда - **энергия** деб аталади) уланган тармоқ орқали етказиб бериш ва Истеъмолчи истеъмол қилинган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

## II. Етказиб берилган энергияни ҳисобга олиш

2.1. Энергия истеъмолининг йиллик шартномавий ҳажми:

Актив ____**17777**________ кВт.с. реактив _______хх___________ кВар.с

2.2. Етказиб бериладиган энергиянинг Шартнома тузилган кунидаги умумий нархи _________**450**__________сўмни, тариф(лар) бўйича __**7999650** сўмни_ ташкил этади.

*тариф тури: табақалаштирилган, бир ставкали ёки 08.11.2017 йилдан ПҚ-3379 нинг руйхатида кўрсатилган махсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун (кераклиси ёзилсин)*

2.3. Истеъмолчига етказиб бериладиган энергиянинг ойлар кесимидаги йиллик хажми ушбу Шартномага 1-иловада келтирилган.

2.4. Истеъмолчи томонидан олинган энергиянинг ҳақ тўланадиган ҳақиқий миқдори ушбу Шартномага 2-иловада назарда тутилган хисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари асосида аниқланади.

2.5. Истеъмолчиларнинг (маиший истеъмолчилардан ташқари). Электр энергиясини хисобга олиш приборлари, шунингдек электр энергиясини хисобга олишнинг бошқа воситалари истеъмолчининг маблағлари хисобига сотиб олинади, давлат қиёсловидан ўтказилади, Корхона томонидан Бюро билан хамкорликда бепул ўрнатилади, пломбаланади ва рўйхатдан ўтказилади.